Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р И

2019 йил “16” декабрь **44/2-сон** **Гулистон шаҳри**

2020 йилги Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

2020 йилги Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2019 йил 9 декабр 589-сонли Қонунининг 18-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябр кунги Қонуннинг 24, 25-моддаларига мувофиқ ҳамда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги 49/53-5-сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли Қонунига (кейинги ўринларда – Қонун) мувофиқ, 2020 йилги Гулистон шаҳар (кейинги ўринларда – Шаҳар) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 32,1 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан :

а) юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари вилоят ва туманлар, шаҳарлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланиши назарда тутилсин.

б) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига туманлар, шаҳарлар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мутаносиб равишда ўтказиб берилсин.

в) қуйидаги солиқлар шаҳар маҳаллий бюджетига қолдирилиши белгилансин:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги

тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бунда цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бунда электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан олинадиган солиқ.

г) Шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилиши;

д) шаҳар бюджетидан:

пенсия жамғармалари орқали кам таъминланган оилаларга тайинланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар;

Шаҳар давлат санитария-эпидемиология марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилиши назарда тутилсин.

ж) Шаҳарлар Кенгашлари:

ижарага берилган жойнинг ёки якка тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган жойнинг хусусиятларини, шунингдек кўрсатилаётган хизмат турининг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган 0,7 дан 1,3 гача пасайиб борувчи ва ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли эканлиги эътиборга олинсин;

3. Шаҳар Кенгаши:

Шаҳарнинг шаҳар маркази, аҳоли пунктлари учун алкоголли маҳсулотлар, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни чакана савдо қилиш ҳуқуқи, йиғими учун белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган пасайиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли эканлиги белгилансин.

4. Шаҳарнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

шаҳарнинг шаҳар бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари 2-иловага;

шаҳар маҳаллий бюджети маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага;

шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шаҳар ғазначилик бўлинмаси (Ш.Сарабеков)га умумдавлат

солиқларидан шаҳар маҳаллий бюджетига белгиланган ажратма меъёрлари бўйича тақсимотларни тегишинча шаҳар Ғазначилик бўлинмаси орқали амалга ошириш топширилсин.

6. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига тегишли маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини 5-иловага мувофиқ тасдиқлаш тавсия этилсин.

7. Шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ҳамда харажатлари ижроси натижасидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги, Қонунда белгиланган эътиборга олинсин.

8. Шаҳарнинг шаҳар бюджети захира жамғармаси ҳажми 1,1 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Қонунга мувофиқ, шаҳар ҳокимлиги захира жамғармалари маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда маҳаллий бюджетларни шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши инобатга олинсин.

9. Шаҳар маҳаллий бюджетидан йўл қўйиладиган энг кам айланма маблағлар миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланишда:

тегишли Кенгашларнинг ваколатли ҳокимликлар таклифларига асосида қабул қилинган, шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлари билан, бу маблағлар биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

шаҳар ҳокимлигининг тегишли бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 (ўн) фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириши шартлиги;

шаҳар ҳокими фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида тегишли Кенгашга ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкинлиги Қонунда белгиланганлиги эътиборга олинсин.

11. Шаҳар ҳокимлиги, чорак якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасидаги “Даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари” ҳокимликлар

фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 (беш) фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача прогноз қилинган маблағларнинг тушиши эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифини киритади.

12. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар фақат тегишли бюджетлар ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Шаҳарлар ҳокимлиги:

маҳаллий бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

а), ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари;

давлат харидлари;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши натижалари;

бошқа зарур маълумотларни жойлаштирсин.

б), ҳар чорак якуни бўйича ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши натижалар бўйича шаҳар Кенгашига таҳлилли маълумотлар киритиб борсин.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (У.Тошбоев)га юклатилсин.

15. Шаҳар ҳокимлиги, мазкур қарорни расмий нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда тегишли ташкилот раҳбарларига етказилишини ташкиллаштирсин.

16. Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **Т.Дадабаев**

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар
Кенгашининг 2019 йил “16” декабрдаги
44/2-сонли қарорига 1-илова

Гулистон шаҳрининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	0,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	0,0
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	12,3
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	105,1
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	100,8
6.	Хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати, фоизда	105,0
	савдо, яшаш ва овқатланиш хизмати ўсиш суръати, фоизда	*104,1*

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг
2019 йил “16” декабрдаги 44/2-сонли қарорига
2-илова

Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадларининг
2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	**Даромад турлари**	**Миқдори**
Даромадлар миқдори, жами		**75 677 011**
шу жумладан:		
	Маҳаллий даромадлар	**43 572 576**
	Вилоят бюджетидан ажратиладиган трансфертлар миқдори	**32 104 435**
1	Ягона солиқ тўлови	22 844 662
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 314 765
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	3 972 827
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	35 604
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 347 008
6	Юридик шахслар ер солиғи	40 236
7	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 330 238
8	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	97 064
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	285 752
10	Ижара тўлови	70 800
11	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	4 643 340
12	Мобил алоқага акциз солиғи	2 590 280
13	Вилоят бюджетидан ажратиладиган трансфертлар миқдори	32 104 435

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг
2019 йил “16” декабрдаги 44/2-сонли қарорига 3-илова

2020 йил учун Гулистон шаҳар бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**75 677 011**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**70 765 232**
	индексация маблағлари	**3 793 400**
	Заҳира жамғармаси	**1 118 379**
	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	**6 282 794**
1.	**Мактабгача таълим бўлими**	**5 016 062**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 016 062
2.	**Халқ таълими бўлими**	**4 905 130**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 905 130
3.	**Тиббиёт бирлашмаси**	**26 170 782**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	26 170 782
4.	**Маданият бўлими**	**3 860 347**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 860 347
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 623 990**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 623 990
6.	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**614 326**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	614 326
7.	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**554 531**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	554 531
8	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**16 437 868**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16 437 868
9	**Молия бўлими**	**4 492 300**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	698 900
	индексация харажатлари	3 793 400
10	**Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими**	**438 675**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	438 675
11	**Ҳокимият**	**17 845 794**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 444 621
	Заҳира жамғармаси	1 118 379
	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	6 282 794
	Жами.	

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг
2019 йил “16” декабрдаги 44/2-сонли қарорига
4-илова

Солиқлардан Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бунда цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бунда электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ
1	Гулистон шаҳри	100	100	100	100	100	1	100	1	1	100
	Жами.										

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг
2019 йил “16” декабрдаги 44/2-сонли қарорига
5-илова

Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**43 572 576**	**75 677 011**
Гулистон шаҳри	43 572 576	75 677 011

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг
2019 йил “16” декабрдаги 44/2-сонли қарорига
6-илова

Гулистон шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**32 104 435**
шундан	
Гулистон шаҳри	32 104 435

Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг
2019 йил “16” декабрдаги 44/2-сонли қарорига
7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**820 083**
	шундан	
1	Гулистон шаҳри	820 083